O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

INSON MANFAATLARI — OLIY QADRIYAT
O'ZBEKISTON «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
KUCH-ADOLATDADIR

2007 йил 23 март, жума № 12-13 (610-611)

# ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

## Хуш келдинг, Наврўзи олам!

*Озод ва обод юртга байрамлар ярашади. Зотан, Истиқлол нури-ла файзиёб юртнинг ҳар бир куни байрамона, ҳар бир куни шукуҳли! Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган уйғониш ва нафосат, меҳр-оқибат ва мурувват айёми — Наврўз байрами тантаналарининг гувоҳи бўлган юртдошларимиз, замондошларимизнинг кўнглидан, фикру хаёлидан ана шундай эътироф кечган бўлса, ажабмас.*





Бугун жонажон Ўзбекистонимизда фасллар келинчаги бўлмиш гўзал баҳор сепини ёйиб, ўзининг бетакрор кўрку жамолини кўз-кўз қилмоқда. Ана шундай нурафшон дамларда юртимиз шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва овулларида — барча гўшаларда шўх-шаън янграётган карнай-сурнай садолари одамларни Наврўз сайилларига чорламоқда. Қир-адирларда Наврўз зўр кўтаринкилик билан байрам қилинаётир. Дошқозонларда қайнаётган байрам таомлари — ҳалиму сумалаклар тафти юракларга, қалбларга кўчган. Кўзларда қувонч, шодлик, бахтиёрлик. Ана шундай самимият ила қўни-қўшнилар, ёр-биродарлар бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашади, эзгу тилаклар изҳор этишади. Энг муҳими эса, бир оғиз ширин сўз, моддий кўмакка муҳтожлар ҳолидан хабар олиниб, уларга ёрдам қўли чўзилади.

Бинобарин, муҳтарам Юртбошимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида алоҳида таъкидлаб шундай дедилар: "Шу мунаввар кунларда ҳар қайси инсон вужудида яқинларига меҳр-оқибат кўрсатиш, табаррук қарияларимиз дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, бемор ва муҳтож одамларга беминнат ёрдам ва кўмак беришдай савобли, барчамизнинг юрак-юрагимизга сингиб кетган туйғулар ўзини ёрқин намоён этади". Дарҳақиқат, шундай. Неча минг йиллик тарихга эга Наврўз айёми халқимизнинг азалий олижаноб қадриятлари билан уйғунлашиб кетган!

Наврўз ташрифи билан азамат боботеҳқонлар бел боғлаб, дала юмушларига киришади: ерга яхши ният ила қут-барака уруғи қадалади. "Илоё, деҳқон йили бўлсин, ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баракали бўлсин!", дея ният қилинади.

Ҳа, янги кун, янги йил — Наврўз ҳар бир хонадонга файзу барака, бахту саодат олиб келсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Хуш келдинг, Наврўз!

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатасида

22 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси У.Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги 222-II-сонли Қарорининг биринчи иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Ҳужжатнинг модда-модда муҳокамаси чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилган "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси С.Азизов маъруза қилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасини батафсил кўриб чиқиб, муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда маромига етказилганидан кейин қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишга қайтиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Козлов томонидан тақдим этилган "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Депутатлар ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси жараёнида уни янада такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар киритдилар ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлиси 27 март куни давом этади.

**(ЎзА)**

## Маҳалла — эзгуликлар бешиги

***Жондорлик Қандолат буви ва Орзу бобо Ҳайдаров, Яраш буви ва Мансур бобо Низомовнинг олтин тўйлари Сепатта қишлоғида ўтган Наврўз тантаналарига уланиб кетди. Бу ерда табаррук отахону онахонлар ва кам таъминланган оилалар вакилларига атаб байрам дастурхони ёзилди. Муҳтож оилалар фарзандларига кийим-кечак тарқатилди. Ушбу шодиёна маҳалла қадриятлар ва эзгуликлар бешиги эканини яна бир бор исботлади***

Бухоро вилоятининг барча шаҳар ва туманларида, маҳаллаларида Наврўз тантаналари ана шундай кўтаринки руҳда ўтмоқда. Шодиёналар дастуридан спорт мусобақалари, халқ ўйинлари, турли тадбирлар кенг ўрин олган. Бухоро шаҳридаги 18-маҳаллада ўтган "Ибратли оила" танлови миллий анъаналаримизнинг ўзига хос жиҳатларини намоён этган бўлса, қатор маҳаллаларда "Обод хонадон", "Кўркам кўча" танловлари ғолиблари тақдирланди.

Наврўз кунлари барча маҳаллаларда ижтимоий ҳимоя ва хайрия масалаларига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, салкам 2 минг 850 ёлғиз қария ва ногироннинг уйи ҳашар йўли билан таъмирланди, муҳтожларга ҳомийлар томонидан 100 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

**Э. ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Аҳил элга байрамлар ярашади

***Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Наврўзга бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Республика байналмилал маданият маркази ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда юртимиздаги миллий-маданий марказлар, жамоат ташкилотлари ва хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.***

Меҳр-мурувват, яшариш ва янгиланиш айёми - Наврўз умумхалқ байрами сифатида бу йил ҳам мамлакатимизда катта кўтаринкилик билан нишонланаётир. Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, халқимизга мансуб фазилатлар, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар одамларимизнинг онгу тафаккурида мустаҳкамланиб, уларнинг эртанги кунга ишончи тобора кучайиб бораётгани жамиятимизнинг бугунги сиёсий-ижтимоий муҳитини ифода этади. Айнан мана шундай маънавий иқлим мамлакатимизда қўлга киритилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган ютуқ ва марраларга эришишда, эркин ҳаёт ва демократик жамият қуришда кучли замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилаётир. Юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг миллий урф-одатлари, анъаналарини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Республика Байналмилал маданият маркази ўзининг ўн беш йиллик фаолияти давомида юртимизда аҳиллик ва осойишталик, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга йўналтирилган ташаббуслар, ранг-баранг тадбирлар, лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Шу кунларда марказ томонидан юртимизнинг турли жойларида Наврўзга атаб кўплаб дўстлик фестиваллари, сайллар, бахши ва оқинлар айтишувлари, бадиий кўргазма ва концертлар ташкил этилмоқда. Буларнинг бари мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг асосий омилларидан бўлмиш миллатлараро дўстлик, тотувликни асраб-авайлаш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Тадбирда юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказлар ўзининг бетакрор ва ранг-баранг мусиқий дастурларини намойиш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов, Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Ўзбекистон «Адолат» СДП табриги



***Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши партиядошлар ва республикамизнинг барча фуқароларини яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз умумхалқ байрами билан самимий табриклайди.***

*Энг қадимий, энг ардоқли, миллий байрамимиз — Наврўз юртимизда яшайдиган ҳар бир инсон қалбида, руҳиятида ажиб ва ҳаётбахш туйғуларни уйғотади. Кўклам нафаси уфуриб, майин шабботалар эса бошлаши, табиат уйғониб, куртакларнинг кўз очиши билан инсон вужудида янги куч, янги ғайрат жонланади, унинг бутун борлиғи яхшилик ва яратувчанликка ундайди.*

*Наврўз айёмида аҳолининг эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига саховат кўрсатиш, кекса ва ногирон кишилар ҳолидан хабар олиш каби олижаноб фазилатлар янада ортади. Ижтимоий ҳимоя йилида Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам ўз дастурларида белгиланган вазифаларини кенг кўламда янгича шижоат билан амалга оширади. Халқимизнинг олий мақсади бўлган эркин, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда эзгулик, бирдамлик руҳи барчамизга куч-қувват бағишлайди.*

*Барчангизга баҳорнинг бетакрор байрами — Наврўз муборак бўлсин!*

*Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга тинчлик, кўнглингизга хотиржамлик тилаймиз.*

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
**Сиёсий Кенгаши**

Фракция йиғилиши

## Муҳокамада муҳим қонун лойиҳалари

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда дастлаб Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш киритиш ҳақидаги қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан қуйи палатанинг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Марибжон Отажонов маъруза қилди.***



Носир Ҳайдаров олган сурат

Йиғилиш иштирокчиларининг қизғин муҳокамасига сабаб бўлган масалалардан бири биринчи ўқишда кўриб чиқилаётган "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Анвар Шукуров қонун лойиҳасининг аҳамияти ва бу борада амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар хусусида сўз юритди.

Европа мамлакатлари қонунчилигида автомашинада нафақат ҳайдовчи, балки орқа ўриндиқда ўтирган йўловчилар ҳам камар тақиши белгиланган. Бунга европаликлар жиддий амал қилишади. Юртимизда эса машина орқасидан жой олган одамларнинг камар таққанини камдан-кам ҳолатда кузатиш мумкин. Маълум бўлишича, айни шу ҳол йўловчиларнинг жиддий шикастланишига олиб келади.

Соатига 60-70 км. тезлик билан ҳаракатланаётган транспортни фавқулодда тўхташ ниҳоятда қийин. Агар шундай қилиш лозим бўлса, машина ичидаги одамлар тан жароҳати олиши мумкин. Маълум бўлишича, транспорт тезлиги қай даражада юқори бўлса, тормоз берганда ҳам ҳайдовчи, ҳам йўловчи шунча олдинга қараб отилади. Автоуловга чиққанда, камар тақиш эса бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Хуллас, бу усул ҳар томонлама фойдали, кам харажатли ва қулайлиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан олганда эндиликда бунинг механизмни яратиш лозим.

Йиғилиш иштирокчиларининг таъкидича, ҳозир Андижоннинг Асака шаҳрида ишлаб чиқарилаётган деярли барча автомашиналарда бундай қулайликлар мавжуд. Бу аҳоли томонидан ушбу мосламалардан ўз вақтида фойдаланишлари, бошқача қилиб айтганда, транспортдан фойдаланиш маданиятини яхшироқ ўзлаштиришлари талаб этилади. Депутатлар томонидан ҳаётимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган ушбу қонун лойиҳасидаги ўзгаришларни омма орасида кенг тарғиб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Кун тартибида "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" қонун лойиҳаси юзасидан Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Зуҳра Ботированинг маърузаси тингланди. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Юртимизда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўплаб қарорлар қабул қилинган. Хуллас, жараён изчиллик билан давом этаётир. Мазкур қонун ҳам ушбу ислоҳотларнинг узвий давоми саналади.

— Тизимда, энг аввало, хусусий сектор тобора ривож топаётганини алоҳида таъкидлаш лозим, — деди фракция аъзоси Зуҳра Ботирова. — Бу тизимга эътибор ва қизиқиш эндиликда ошса ошадики, асло камаймайди. Қонун лойиҳасидаги асосий ўзгаришлар асосан хусусий секторга қаратилган. Аммо соҳадаги барча муносабатлар мазкур қонунда акс этган, деб бўлмайди. Бу борада ҳали кўп ишлар қилиниши лозим.

Йиғилишда, шунингдек, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама этилди. Қонун лойиҳаси дори-дармонлар билан муносабатда бўлишни тартибга солишга қаратилган. Депутатлар фикрича, ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши қўшимча молиявий ва моддий харажатларга олиб келмайди. Аксинча, юртимизда аҳоли соғлиғини янада яхшилаш, фармацевтика фаолиятини юксалтириш имконини беради.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

**Б.БОТИРОВ,**
**«Адолат» мухбири**

## Хайрли ишлар дебочаси

"Адолат" СДП Андижон вилоят Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси, Марҳамат туман ҳокимлиги ҳамкорлигида туманда Наврўз байрами кенг нишонланди.

Шу куни "Мингтепа" маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркор Муборак Раҳимова ҳомийлигида қурилган спорт комплекси ва "Оталар чойхонаси"нинг фойдаланишга топширилиши қўшалоқ байрам бўлди. Байрам тадбирида сўзга чиққанлар барчани Наврўз байрами билан табриклаб, маҳалла аҳли учун топширилган иншоотлар хайрли ишлар дебочаси эканлигини, бу албатта катта самара беришини таъкидлашди.

Туманнинг "Гаргар" маҳалла фуқаролар йиғинида байрам муносабати билан "Иффатли келин" кўрик-танлови ўтказилди. Танлов қизиқарли ва муросасиз давом этиб, барчага ижобий таассурот қолдирди. Шу боисдан бўлса керак, ҳар йили Наврўз байрамида кўрик-танловни ўтказишга келишиб олинди.

**Бектош АЗИМОВ**

## Мурожаатнома қабул қилинди

"Адолат" СДП Қашқадарё вилоят Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда шаҳар ва туман Кенгашлари котиблари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ташкилий-партиявий ишларни фаоллаштириш мақсадида ўтказилган йиғилишда вилоят Кенгашининг биринчи котиби Абдуқаҳҳор Аҳмедов сўзга чиқиб, аъзолар сонини кўпайтириш учун жойларда бошланғич ташкилотларни тузиш, партия фаолиятига кўпроқ ёшларни жалб қилиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, аъзолик бадалларини йиғишни тартибга солиш, омма орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Йиғилишда воҳадаги 28 мингдан ортиқ фермер хўжаликларига "Адолат" СДП вилоят Кенгашининг ҳамкорликда иш юритиш, партияга хайрихоҳлик ва аъзоликка оид даъватларга бағишланган мурожаатномаси қабул қилинди.

Мажлисда партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

Фахр

# Ўзбек автомобилсозлари

***жаҳон андозалари даражасидаги автомашиналарни ишлаб чиқаришаяпти***

*Бугун "Ласетти", «Нексия», «Дамас», «Матиз» русумли замонавий автомобиллар кўчаларимизни тўлдириб юриши кўзни қувонтиради, кўнгилга ғурур бахш этади. Негаки, улар ўзимизнинг, мустақил Ўзбекистоннинг машиналари! Асакалик моҳир автомобилсозлар томонидан ишлаб чиқарилаётган, замон талабларига тўла мос келадиган автомашиналар турли хорижий мамлакатларда ҳам юксак баҳоланаётгани эса янада қувонарлидир. Бинобарин, бугун Марказий Осиё минтақасидаги ягона, илғор технология ва ускуналар, ноёб техникалар билан жиҳозланган гигант корхонанинг, таъбир жоиз бўлса, довруғи бутун дунёга достон бўлди.*



Президентимиз ташаббуси билан Жанубий Корея республикаси билан ҳамкорлигида ташкил этилган «ЎзДЭУАвто» қўшма корхонаси 1996 йилнинг июль ойида ўз конвейерларидан илк автомобилларни чиқара бошлади. Ўтган йилнинг июль ойида эса корхона фаолият бошлаганининг ўн йиллиги катта тантаналар билан нишонланди. Автомобилсозлар байрам кунини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишди. Тантана кунига қадар ички бозорга 378012 та автомобиль етказиб берилди, 203896 таси эса экспорт қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистон автомобиллари Россия, Молдова, Украина, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон сингари давлатларда ҳам ўз харидорларини топмоқда. Бошқача қилиб айтганда, автомобилларимиз сифати, қулайлиги билан харидорлар эътиборини қозонмоқда.

Корхона ишчи-хизматчилари пухта билим, юқори малакага эга эканликларини мураккаб вазифа ҳамда муаммолар ечимини топиб, илғор технологик жараёнларда унумли ишлаётганлари билан исбот этишяпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида корхона конвейерларидан 14080 дона турли русумдаги автомобиллар чиқарилгани, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот сифатини оширишга хизмат қиладиган такомиллаштириш тадбирлари амалга оширилгани сўзимиз исботидир. Хусусан, "Дамас»нинг янги "В-150" модели ишлаб чиқарилиши жамоанинг изланувчан меҳнати самараси ўлароқ кўзга ташланди. Янги русумдаги ушбу «Дамас»лар қатор қулайликлари, кўринишининг кўркам эканлиги билан эътиборга тушди, автомобилда ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлиги таъминланишининг такомиллашиши харидорлар диққатини жалб этмоқда.



Ҳозирги кунда автомобилларнинг кўплаб бутловчи ва эҳтиёт қисмлари ўзимизда тайёрланмоқда. Чунончи, машиналар учун чехол ва обшивкаларни «Ўз Донг Янг Ко», глушителларни «Ўз Донг Вот Ко», бензобакларни «Ўз Сэм Юнг Ко", автомобил бўёқларини "Ўз Донг Жу Ко», бамперларни «Ўз Карам Ко", ўриндиқларни «Ўз Тонг Хонг Ко» қўшма корхоналари, ёритгич шнурларини «Андижонкабель» корхонаси етказиб беряпти.

— Ўтган йили «Нексия» русумли машина сотиб олгандим, — дейди балиқчилик Аброржон Комилов. — Ҳайдовчи сифатида "Нексия" жуда яхши машина эканига амин бўлдим. Бошқарувнинг бошқа машиналарга нисбатан қулайлиги, хавфсизлик чоралари мукаммаллиги ва яна бир қатор афзалликлари туфайли бу автомобилнинг обрўси ошиб, харидори кўпайиб боряпти. Машина сотиб олишга имконият туғилса, ҳеч иккиланмасдан яна ""Нексия» сотиб олган бўлардим.

Бундай эътирофни кўплаб ҳайдовчилардан эшитишингиз мумкин. Яна ҳам аниқроқ айтганда, Асака шаҳрида ишлаб чиқарилаётган замон талабларига тўла мос келадиган автомобилларнинг харидорлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистон автомобилларининг обрўси тобора ошиб бораётганидан дарак беради.

**Асқар АЛИ**

# Тарбия ва ҳуқуқий мезон

***Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарбия омилларини тарбия жараёнига жорий этиш долзарб вазифа саналади. Зотан, ҳуқуқий тарбияни ошириш ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилади.***

Бола дунёга келгач, оила, боғча, мактаб ва маҳалла бағрида вояга етади. Унинг онгида ҳуқуқий маданиятни ўстиришни оила, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида олиб бориш боланинг ҳуқуқий савиясини тарбиялашда муҳим омиллар саналади. Ҳуқуқий тарбия шахснинг тўғри ўсиб-улғайиши, унинг ўз бурчи ва вазифаларини англаб етиши, қонунларга ҳурмат билан қараши учун зарур. Чунки фарзанд тарбияси кечиктириб бўлмайдиган вазифаки, бу борада озгина эътиборсизлик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Баъзи ота-оналар фарзанди нима билан шуғулланаётгани-ю кимлар билан дўстлашаётгани, қай пайтда уйга қайтаётгани билан деярли қизиқишмайди. Бундай бепарволик турли хил ҳуқуқбузарликларнинг рўй беришига шароит туғдиради.

Фарзандларнинг камол топишида оила асосий макон ва муҳит ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Оила кодексининг 2-моддасига кўра, бола туғилган ва яшаб турган оилага унинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши ҳақида ғамхўрлик қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш вазифаси юклатилган.

Болаларни тўғри тарбиялашда ҳуқуқий нормаларни, қонунларни ҳурмат қилишга, улардаги барча талабларга оғишмай риоя этишга ўргатиш жуда муҳим. Зеро, ҳуқуқий нормалар ёш авлодда меҳнатга лаёқатни тарбиялайди, давлат ва жамият олдидаги ўз бурчларини тушуниб, уларга оғишмай амал қилиш кўникмасини шакллантиради. Бу борада ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг мажбуриятлари 1997 йил 27 августда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонунда ҳам белгилаб берилган: "Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, махсус касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар" (30-модда).

Давлатимиз етим болалар тарбияси билан боғлиқ барча хайрия ишларини рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаб келмоқда. Республика Президентининг Фармонига асосан, "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилгани, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг фаолият юритаётгани, мамлакатимиздаги корхона, ташкилот, ўзини ўзи бошқариш органларининг кўрсатаётган меҳр-оқибатли кўмаклари жамиятимизда эзгу қадриятларнинг ривожланишига олиб келаётир.

Бугунги кунда фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг барқарор тизими яратилди. Жойларда илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилаётир, илмий-оммабоп адабиётлар нашр этилаётир. Жумладан, Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармасининг ташаббуси билан 2006 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб пойтахтимиздаги маҳаллаларда, коллеж, лицей ҳамда мактабларда етмишдан ортиқ тадбир ўтказилди. Жумладан, Собир Раҳимов туманидаги 11-мактабда, Миробод туманидаги қурилиш касб-ҳунар коллежида давра суҳбатлари уюштирилди. Бу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, вояга етмаганлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Асосий Қонунимизда белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликлар, ҳар бир фуқаронинг жамият олдидаги бурчини чуқур англатишдан иборат.

**Лолахон КАРИМОВА,**
**Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси катта маслаҳатчиси**

# Жамиятнинг фаол ва ишончли аъзоси

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Бу эса ўз навбатида аҳолининг иш билан таъминлаш, уларнинг фаровонлигини ошириш учун аграр соҳани ривожлантириш, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик-кичик корхоналар барпо этишни тақозо этади. Шу боисдан мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш мақсадида президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қарор ва фармонлар қабул қилиниб ҳаётга тадбиқ этиб келинмоқда. Хусусан, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган шахс фермер бўлиши мумкинлиги белгиланган. Фермер хўжаликлари юридик шахс мақомига эга бўлиб, унинг бошлиғи фермер деб белгилаб қўйилган.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг бошлиқлари ким бўлиши маълум маънода қонунларда қайд қилиб ўтилган. Ҳозирги кунда фермер бўлишни истаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Лекин, масалани яна бир нозик жиҳати борки, ерни ишни кўзини биладиган ҳақиқий деҳқонга топшириш ва бу орқали ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ҳосилдорликни оширишга эътибор қаратиш лозим. Ҳақиқий фермер ташкилотчи, деҳқон, агроном, чорвадор, механизатор, бухгалтер каби вазифаларни уддалай оладиган шахс бўлиши лозим.

Бугунги кунда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан, балки қишлоқ жойларда аҳолини иш билан таъминлашда ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Охирги маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 190 мингга яқин фермер хўжаликлари ташкил қилиниб, минг-минглаб одамлар иш билан банд бўлмоқда. Бевосита пахтачилик билан шуғулланадиган 85 мингдан зиёд фермер хўжалиги томонидан 3 миллион 79 минг тонналик хирмон йиғилган. Етиштирилган ҳосилни 80 фоизи айнан фермер хўжаликлар ҳиссасига тўғри келди.

Қувонарлиси, қонунчилигимизда фермер хўжаликларига ер бериш, унга эгалик қилиш, ер ва сувдан фойдаланиш, фермер хўжаликлари ҳамда аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хўжаликнинг мол-мулки, фаолият асослари, фермер хўжаликларини кайта ташкил этиш ва тугатиш каби масалалар ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. Зеро, президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек «Фермер — бугунги жамиятнинг энг фаол аъзоси, фаолгина эмас, энг ишончли аъзоси».

***Хусниддин Даминов***






# АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ “ПАХТА БАНК”

ўз акциядорлари, мижозларини ва барча юртдошларимизни
Наврўз айёми билан самимий қутлайди!

**Ушбу қувончли кунларда ҳар бир хонадонга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!**

**Сизларга янги, қулай ва манфаатли бўлган «Ҳимоя» ва «Талаба» жамғарма омонат турларини таклиф қиламиз. Ушбу омонат турларининг сақлаш муддати 6 ой ҳамда 1 йил бўлиб, йиллик 18 фоиз миқдорида даромад тўланади.**

**Омонатга қўйилган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Омонатингизни кафолатли асраймиз ва кўпайтирамиз!**

**«Пахта Банк»нинг исталган филиалига мурожаат қилинг ва даромадингизни кўпайтиринг!**

**Омонатга қўйган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайди.**

## “Пахта Банк” – фаровонлигингиз калитидир!

## ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИ МАРКАЗИЙ ШИФОХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Озод ва ҳур ўлкамиз аҳлини, барча ватандошларимизни гўзаллик ва яшариш байрами — Наврўз айёми билан самимий қутлайди.*

Дарахт новдаларига қон югурган, табиат тириклик нафасига чулғонган ушбу дам биз учун ғоят таассуротли ва шукухлидир. Чунки, Озодлик ва Ҳурликнинг яна бир баҳори бошланди.

**Бу Баҳор бетакрор ва мафтункордир**

Баҳорий кайфият ва гўзаллик Сизни ҳеч қачон тарк этмасин, азизлар!

## ЧИРОҚЧИ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

**барча юртдошларимизни баҳор байрами — Наврўз билан муборакбод этади.**



**Серкуёш ўлкамизда меҳр ва мурувват, саховат фазилатлари бардавом бўлсин.**



**НАВРЎЗИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ НИШОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

**барча юртдошларимизни, Ватанимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган ватандошларимизни, саховатли замин деҳқонларини Наврўз байрами билан самимий табриклайди.**



**Ўлкамизга фасллар келинчаги баҳор ташриф буюриб, дала-даштларда кўклам нафаси уфурди. Барча жойда бўлгани каби бу йилги Наврўз Қашқадарёга ҳам ўзгача тароват билан келди. Воҳанинг барча туман ва қишлоқлари байрам оғушида.**

**Байрам арафасида «Ижтимоий ҳимоя йили» дастури доирасида кам таъминланган, кўп болали оилаларга кўмак берилди. 2000 га яқин чорва моллари ва паррандалар тарқатилди. Кам таъминланган 950 оиланинг ҳар бирига мурувват ёрдамлари кўрсатилди.**

**Яқинда «Нуристон» қўрғончасида барча қулай-ликларга эга бўлган замонавий мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Илм маскани биносини "Шўртангазкимё" мажмуаси қурувчилари бунёд этдилар. Наврўз байрами кунларида маҳаллалар ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.**








**Бир сўз билан айтганда, туманимиз меҳнаткашлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига маҳкам бел боғлашган. Улар юртимиздаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнига, ислоҳотлар ривожига ҳисса қўшиш саъй-ҳаракатидалар. Озод ва хур ўлкага байрамлар ярашади. Байрамлар фаровонлик ва тўкинлик белгисидир. Юртимизнинг осмони мусаффо, келажаги порлоқ бўлсин. Наврўзингиз муборак, азиз ватандошлар!**

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТ «ПАХТАСАНОАТ» БИРЛАШМАСИ



Ўзбекистон халқини, уста пахтакорларни, миришкор деҳқонларни эзгулик ва хайр-саховат айёми — Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Ҳаётимиз тўкин, хирмонимиз баракали бўлсин, мухтарам юртдошлар!

## ҚАМАШИ ТУМАН ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча Ватандошларимизни, соҳада фидойилик билан меҳнат қилаётган кадрларни Наврўз байрами билан қутлайди



Наврўзи олам қутлуғ бўлсин, азизлар!

## НИШОН ТУМАНИДАГИ «НОРМАТОВ АБДУСАЛОМ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамюртларимизни, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган миришкор боболеҳқонларни баҳор байрами –

НАВРЎЗ

билан табриклайди!



Наврўзи олам юртимизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, тўкин-сочинлик олиб келсин!

Назм

# Андалиблар уйғониб...



*Гул шавқига маст олам чайқалгай баҳор чоғи,*
*Ўлкамнинг гўзалликка тўлгай шунда ҳар ёғи.*

*Сайқал топмоғи шаксиз бу онлар кўнгил ичра,*
*Мисли юз очар кўклам, гулюз ҳусни япроғи.*

*Майса бошига киймиш симобий қабо — шудринг,*
*Борлиқ юзини ювмиш ондин ҳар саҳар чоғи.*

*Толеъга тутар қўлни тақдир интиҳоси ҳам,*
*Ишқдан тебранур эрса юрак боши титроғи.*

*Эй кўнгил, бу дам сен ҳам шарҳ этгил нафосатни,*
*Соф бўлсин малулликдан ҳарчанд бўлса дил доғи.*

*Оввоза тараб дилбар сўз очганча Наврўздан,*
*Маст этди Сулаймонни шўх куй акси янгроғи.*

* * *

*Тонг ёзиб сочин қуёш рўйи раво кўрсатди мавж,*
*Андалиблар уйғониб авжи наво кўрсатди мавж.*

*Бошида тебранди-ю оҳистаранг гуллоланинг,*
*Юзларин қучди ўпиб, хуш ел-сабо кўрсатди мавж.*

*Кўнгил отлиқ мўътабар хос хонанинг тахти аро,*
*Ўрнашиб ишқ орзуси кўйи сато кўрсатди мавж.*

*Сабзалиқ қўйнида кун тебранса борлиқ лиқ бутун,*
*Тунлари юлдуз сочиб ёлқин само кўрсатди мавж.*

*Тархи ишқин кисвати ўтгач заҳот кўз назлидан,*
*Бул фаслнинг васфига ҳамду сано кўрсатди мавж.*

*Уйқудан осуда маст ҳар бир чечакни уйғотиб,*
*Қудрати шулки анинг бахти садо кўрсатди мавж.*

*Кирса сўз гул равзасин истаб шижоатлиқ билан,*
*Сўз Сулаймон қалбидан фикри сахо кўрсатди мавж.*

**Сулаймон ҲАЙДАР КАСБИЙ**

Футбол

# "Нефтчи" ва "Пахтакор"нинг ғалабалари



Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг иккинчи тур учрашувлари ўтказилди. Мусобақанинг "С" гуруҳида қатнашаётган Фарғонанинг "Нефтчи" футболчилари илк ўйинда Қувайтда Ироқнинг "Ал-Нажаф" жамоасига қарши тўп сурган. Унда Акмал Холматов томонидан киритилган ягона тўп ҳамюртларимизга ғалаба келтирганди.

Иккинчи турда "Нефтчи" жамоаси Фарғонада ОЧЛнинг ўтган йилги финалчиси — Суриянинг "Ал-Карама" футболчиларини қабул қилди. Муросасиз кечган ушбу баҳсда мезбонлар ғалаба қозонди. Вакилларимиздан тўпларни Анвар Бердиев ҳамда Носир Отақўзиевлар киритди.

Гуруҳнинг "Ал-Садд" (Қатар) — "Ал-Нажаф" жамоалари ўртасида ўтган иккинчи учрашувида меҳмонлар йирик ҳисобда зафар қучишди — 1:4. Шундай қилиб, икки ўйиндан сўнг, "Нефтчи" жамоаси 6 очко билан гуруҳ пешқадами бўлиб турибди. "Ал-Нажаф" ва "Ал-Карама" футболчилари ҳисобида учтадан очко бор. "Ал-Садд" жамоаси эса ҳозирча бирорта ҳам очко ололгани йўқ.

Ўзбекистоннинг етти карра чемпиони, саккиз карра мамлакат кубоги соҳиби, МДҲ кубоги ғолиби — Тошкентнинг "Пахтакор" футболчилари эса турнирнинг "В" гуруҳи баҳсларида қатнашмоқда. ОФК қарорига кўра, Эроннинг "Истиқлол" жамоаси мусобақадан четлатилгач, пахтакорчилар дастлабки турни ўтказиб юборганди. Иккинчи турда ҳамюртларимиз Қувайтда "Ал-Қувайт" жамоаси меҳмони бўлди.

Учрашувнинг 69-дақиқасида Александр Клецков киритган ягона тўп "Пахтакор"нинг илк ғалабасини таъминлади. Ушбу турда Саудия Арабистонининг "Ал-Ҳилол" жамоаси дам олди. Иккинчи турдан сўнг, ҳозирча уч очко билан пахтакорчилар гуруҳда карвонбошилик қилмоқда. "Ал-Ҳилол" ва "Ал-Қувайт" жамоалари ҳисобида биттадан очко бор.

Гуруҳ босқичининг учинчи тур баҳслари 11 апрель куни бўлиб ўтади. Шу куни "Пахтакор" — "Ал-Ҳилол", "Ал-Садд" — "Нефтчи" жамоалари ўзаро куч синашадилар.

**Шахобиддан РАСУЛОВ**

**Суратда: "Ал-Қувайт" — "Пахтакор" жамоалари учрашувидан лавҳа.**

Тақдимот

# Фермерга кўмакдош

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида туб ислоҳотлар, ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Қишлоқнинг янги мулкдорлари — фермерларда янгиликка интилиш, тадбиркор бўлиш ер ва сувдан оқиллик, тежамкорлик билан фойдаланиш хислатлари намоён бўлаётир.

Мана шу жараёнлар билан боғлиқ бўлган янгиликлардан деҳқонларимизни хабардор қилиб бориш мақсадида соҳага оид барча масалалар бўйича маълумотлар жамланган «Фермер» журналининг ташкил этилганлиги айни муддао бўлди.

Янги нашрнинг тақдимоти Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалиги мутахассислари, муассасалар, олимлар, фермерлар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Нашрнинг нишона сони саҳифаларида маънавият, маърифат, санъат, табаррук қадамжолар ҳамда хориж ҳаётига доир мавзуларга кенг ўрин берилган. Энг муҳими, янги журнал мамлакатимиз фермерлари эришаётган муваффақиятлар, илғор тажрибаларни, шунингдек, мавжуд муаммоларни ёритиш, қишлоқ хўжалиги ходимларининг ахборот ва янгиликка бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Эндиликда пахтакорлар, ғаллакору боғбонлар, чорвадор ва асаларичилар ўзаро тажриба алмашиб, ҳамфикр бўлиш учун кенг имконият яратилди. Бинобарин, 15 минг нусхада чоп этилган нашрнинг нишона сони унга нисбатан катта қизиқиш борлигидан далолат беради.

**Дилноза АКБАРОВА**

Тарихий обидаларимиз

# Лабиҳовуз мажмуаси



Қадим ва навқирон Бухоро ўзининг кўп асрлик тарихи давомида Марказий Осиё минтақасининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида жуда муҳим ўрин эгаллаб келган. Унинг халқаро савдо йўлида жойлашгани вабу ердан минглаб савдо карвонларининг ўтиб туриши шаҳарда савдо-сотиқ ишларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Савдогарлар шаҳри ҳисобланган Бухорода савдо иншоотлари, бозорлар, расталар ва дўконлар кўп бўлган. Қолаверса, шаҳарда турли даврларда ҳар хил меъморий обидалар ҳам бунёд этилган. Ана шулардан бири Лабиҳовуз мажмуасидир.

Лабиҳовуз майдонида катта ҳовуз жойлашганлиги туфайли шундай деб юритилган. Ҳовуз майдоннинг қоқ ўртасида жойлашган бўлиб, 1620 йилда қазилган. Унинг узунлиги 42 метр, эни 36 метр, чуқурлиги эса 5 метр чамасида, четларига харсанг тошлардан зинапоялар ишланган. Лабиҳовуз майдонининг тўрт томони ҳашаматли меъморий обидалар билан ўраб олинган. Майдоннинг ғарбий томонида Девонбеги масжиди, шарқий томонида Девонбеги мадрасаси, шимолида 1578 йилда қурилган Кўкалдош ва Эрназар элчи мадрасалари қад кўтарган. XVII асрнинг 20 йилларида қурилган дастлабки икки меъморий ёдгорлик Девонбеги масжиди ва мадрасаси айниқса серҳашамдир. Улар Лабиҳовуз мажмуасини ташкил этади. Лабиҳовуз майдонидан шаҳардаги тимлар, яъни усти ёпиқ бозор, дўконлар, савдо расталарининг ҳаммасини бир-бири билан боғловчи яхлит бир савдо кўчаси вужудга келган ва шу ердан харидорлар истаган нарсаларини топишлари мумкин бўлган. Савдо ярмаркаси — павильонини эслатувчи бу қадимий серфайз жойда савдо-сотиқ ишлари кеча-кундуз давом этиб турган. Ҳозир Лабиҳовуз атрофи ободонлаштирилиб, замонавий бинолар, чойхона, ошхона ҳамда оромгоҳлар ташкил этилган.

Бухородаги Кўкалдош мадрасаси Лабиҳовуз майдонида жойлашган бинолар мажмуасига киради. Мадраса Бухоро хони Абдуллахон II нинг саркардаси Қулбобо Кўкалдош ташаббуси билан 1578 йилда бунёд этилган. Марказий Осиёдаги энг катта мадрасалардан бири бўлган икки қаватли бу мадрасанинг 160 та ҳужраси бўлган. Шунингдек, бу ерда дарсхона ҳамда масжид ҳам жойлашган.

Ушбу мадраса биноси ўша даврнинг моҳир бинокор усталари томонидан пишиқ ғишт, ганч, мармартош ва сифатли қаттиқ ёғоч материалларидан қурилган. Мадрасанинг улкан, салобатли пештоқидаги сиркор кошинлар, кўк, яшил ва оқ нафис безаклар ўсимликларни тасвирлайди. Ҳовлидаги пештоқлар кошин ва сирланган ғишт билан безатилган. Бошқа мадрасалардан фарқли ўлароқ, мадрасанинг очиқ айвончали болохоналари бўлган ва чиройли қилиб безатилган.

**Рашид БОЙТИЛЛАЕВ**

Миннатдорчилик

# Одамохун шифокор

***Шифокорнинг дори-дармонидан ҳам ширин сўзи, илиқ муомаласи кўпроқ малҳам бўлади, деган гап бежиз айтилмаган. Зеро, яхши шифокорнинг юзидаги нур вужудингдан хасталик балосини даф этишга қодир.***

Пойтахтимиздаги Шифокорлар шаҳарчасида жойлашган Республика Стоматология маркази филиали даволовчи врачи Акромжон Ҳакимов ана шундай шарафли касб соҳибларидан.

Бу масканга дастлаб қадам ранжида қилганимизда даволанувчиларнинг кўплигидан ҳайратга тушган эдик. Кейин билишимизча, бу ажойиб шифокорнинг «мижозлари» наинки шу ҳудудда, балки улкан шаҳримизнинг турли бурчакларида, ҳатто Тошкент вилоятининг олис туманларида ҳам кўп экан. Замона зайли шу-да, бугунги кунда беморлар шифокорларни танлаш имкониятига эга! Бу борада «фақат ўз ҳудудингдаги дўхтир рўйхати бўйича қабул қилинасан» қабилидаги қоғозбозликка аллақачон чек қўйилган. Бунинг эса ижобий жиҳатлари кўп. Биринчидан, бемор ўзи ихлос қилган шифокоридан кўпроқ нажот топса, иккинчидан, бу ҳол ўша шифокорнинг масъулиятини оширади. Демак, инсон саломатлигини сақлаш йўлидаги рақобатнинг ҳам самараси ёмон бўлмайди.

Ёш бўлишига қарамай анчагина тажриба тўплаган Акромжоннинг ўзига хос даволаш услуби шундаки, бемор замонавий жиҳозларга эга столга ўтирганидан бошлаб то дардига малҳам топиб кетгунига қадар унга зарур тиббий маслаҳат беради. Буни ўзининг биринчи галдаги бурчи, деб ҳисоблайди.

— Шифокорлар ва ҳомийлар йилида даволаш масканимизни зарур жиҳозлар билан бойитиб, барча қулайликларни яратган бўлсак, бу йил беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада юксак даражага кўтаришга ҳаракат қиляпмиз, — дейди филиал мудири, олий тоифали шифокор Фарҳод Абдухолиқов. — Уруш ногиронларига, кам таъминланган оилаларга ва бошқа турдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Дарҳақиқат, барча қулайликларга эга, замонавий ускуналар билан жиҳозланган бу муъжаз даволаш масканида беморларга беминнат хизмат кўрсатилмоқда. Улар хизматидан эл мамнун.

**Азиза УСМОНОВА, Фарида ОЧИЛОВА**









Мутолаа

# Зиёбахш умр саҳифалари

***Сайди Умиров ва Бойбўта Дўстқораев ўттиз йилдан ошибдики, наинки талабаларга, балки ёш мураббийларга ҳам чинакам ибрат кўрсатишмоқда. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат», «Ҳуррият» каби нашрларда уларнинг турли мавзулардаги чоп этилган мақолалари «шов-шув» бўлиб кетади. 2006 йил интиҳосида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти томонидан чоп этилган «Зиёбахш умр саҳифалари» деб номланган китоби ҳам адабиёт ихлосмандлари томонидан ана шундай катта қизиқиш билан кутиб олинди.***




Рисолада таниқли адабиётшунос, мунаққид, таржимон, мақоланавис Асил Рашидов ижодий фаолиятининг энг эътиборли қирралари атрофлича ёритилган. «Аср охирида Асил ака 70 ёшга тўлган, янги таржималари, китоб, мақолалари билан илмий, адабий, таълимий жамоатчиликка янада яқинроқ танилган, лекин эски «қайсарлиги» тутиб, юбилей ўтказишни хаёлига ҳам келтирмади, — деб ёзади «Сўзбоши ўрнида» муаллифлар. — Асил Рашидов 75 га ҳам кирди, ошиб ҳам ўтди. Яна ўша камтарлик, «бўлиб қолар»чилик, лекин биз энди бу ҳолга чидамадик, қайсарликка қайсарлик мақомида ушбу рисолани битдик».

Сўнгги сатрларданоқ муаллифларнинг қанчалик жонкуяр инсонлар ва ҳаётга нақадар теран нигоҳ ила боқувчи журналист олимлар эканлигини англаб етасиз. Зар қадрини заргар билар, деганларидек, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган устозларимиз неча ўн йиллардан буён замондош бўлиб келаётган «қаҳрамони» фаолиятига, унинг аччиқ қисмати-ю бугунги дориломон замонда ҳам «елкасини қисиб» юришига бефарқ қарашмаган.

Сайди ака билан Бойбўта аканинг қалам тебратиш бобидаги яна бир ибратли жиҳати — қаҳрамон сиймосини яратиш баробарида ўша давр билан боғлиқ ғоят муҳим ва қизиқарли фактларни таҳлил қилишларидир. Ушбу рисолада ҳам жуда кўп воқеа-ҳодисалар, факт ва рақамлар, турфа ҳужжатлар теран нигоҳ ила таҳлил этилган. Рисоладан ўрин олган «Дўст қиёфасига чизгилар», «Қандай қилиб таржимон бўлиб қолдим», «Таржимоннинг қаттиқ ва тотли нони», «Ҳаёт-адабиёт-таржима», «Чингизнинг асл таржимони», «Олимликнинг ёрқин йўли» каби мақолаларда таниқли олим ва таржимоннинг мураккаб ҳаёт йўли, заҳматли фаолияти, энг муҳими, ўзбек китобхонларига туҳфа этган бетакрор асарлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинади.

Хулоса шуки, журналист кадр тайёрлашга ихтисослашган жонажон ўқув даргоҳимиздан етишиб чиқиб, ижод оламида юксак чўққиларни забт этган забардаст замондош ҳақида Сайди Умиров ва Бойбўта Дўстқораевдек устоз-мураббийларнинг топиб ёзганлари бугунги ёш ҳамкасбларимиз учун катта ибратдир.

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**


ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ


www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru


Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган


Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.


Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ


Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди


• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.


Нашр индекси — 100
Навбатчи — Б.ТОШНАЗАРОВ.
Саҳифаловчи — Л. ТУРСУНОВ
Газетанинг кейинги сони 6 апрель куни чоп этилади

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г — 201 Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган Қоғоз бичими А-2. Адади — 2751 Босишга топшириш вақти — 20.00 Босишга топширилди — 23.50 1 2 3 4 5